ӨЗБЕК ССР
АДАБИЯТ ЖАНА
ИСКУССТВОСУНУН
КЫРГЫЗСТАНДАГЫ
ДЕКАДАСЫ
1970

БУГУН ҚИРҒИЗИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ОЧИЛДИ

ҚАРДОШЛИК ТАРОНАЛАРИ

Бир дарёдан сув ичиб, бир яйловда ўтов тикиб, бир далада деҳқончилик қилиб келаётган ўзбек ва қирғиз халқларининг дўстлиги қадимийдир. Ҳар иккала халқ асрлар мобайнида бир-биридан ҳунар ўрганди, бирининг санъати иккинчисининг маданий хазинасини бойитди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Иттифоқимиздаги барча халқлар қатори ўзбек ва қирғиз элларининг қардошлиги янада кенг қулоч ёзди. Ҳозир ҳар иккала халқнинг интилишлари ҳам, адабиёти ва санъати ҳам бир-бирини бойитмоқда. Гоҳ у, гоҳ бу республикада бўлиб турган адабиёт ва санъат декадалари чинакам байрамга айланиб кетмоқда. Ёдингизда бўлса, ўтган йили кузда шаҳримиз ва республикамиз санъатсеварлари қирғиз адабиёти ва санъати вакилларини кутиб олган эдилар.

БУГУН

Қирғизистонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси бошланди. Фрунзе шаҳрида қардошлик қўшиқлари янграй бошлади. Ўзбекистонлик ёзувчи ва шоирлар, созанда ва хонандалар Қирғизистоннинг ишчи ва деҳқонлари, чўпон ва кончилари ҳузурида бўладилар. Ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрининг санъаткорлари Қирғизистон Давлат опера ва балет театри артистлари билан Фрунзе санъат муҳлисларига томошалар кўрсатишади. Ўзбекистон Давлат хор капелласи, «Лазги», «Шодлик» ансамблларининг санъаткорлари Қирғизистоннинг турли районларида ўзбек санъатини намойиш қилишади.

Декада кунларида Қирғизистоннинг турли шаҳарларида ўзбек кинофильмлари фестивали ўтказилади. Декада қатнашчилари қардош халққа ўз санъатларини намойиш қилиш билан бирга тажриба ҳам алмашадилар.

Қирғизистонда бўлаётган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ҳақидаги материалларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.

Беш йиллик илғорлари

Уйингиздаги кўпгина китоблар пойтахтнинг биринчи босмахонасида ҳам нашр қилинган. Ушбу суратларда шу босмахонанинг илғор ишчиларидан Ф. Зокиров (ўнгда) ва техника контроли бўлими назоратчилари М. Қодирова билан М. Пўлатоваларини кўриб турибсиз. Улар янги ўқув йили учун нашр қилинган дарсликларни кўздан кечиряптилар.

М. Нуриддинов ва
И. Шоиноғомов
фотолари.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1 5-йил чиқиши.
ИЮНЬ 1970 й.
ДУШАНБА
№127 (1195).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

30 майда Кремлдаги Съездлар саройида ВЛКСМнинг XVI съезди ўз ишини тамомлади.

Съезд Коммунистик партияси, унинг Ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтдики, комсомоллар, барча совет ёшлари Ленининг улуғ ва енгилмас байроғи остида коммунизм ғалабаси учун бундан буён ҳам ҳормай-толмай кураш олиб бораверадилар.

ВЛКСМ XVI съезди комсомоллар номидан, мамлакатимизнинг, барча йигит ва қизлари номидан жонажон Коммунистик партияга, унинг Ленинчи Марказий Комитетига мурожаат қилиб, оталарча ғамхўрликлари ва ишонч билдираётганлари учун қизғин ташаккур ва миннатдорчилик ҳис-туйғуларини баён этди.

Тошкентдаги сут комбинати аҳолига турли сут маҳсулотлари етказиб бермоқда.

СУРАТДА: шу корхонанинг лаборатория ходими комсомол аъзоси Раиса Исянова тайёр маҳсулотлар сифатини анализ қилмоқда.

МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА—ИЮНЬ

БУГУН

1970 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИНИНГ ОХИРГИ ОЙИ — ИЮНЬ МЕҲНАТ ЭСТАФЕТАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИ.

Ўзбекистон пойтахтидаги бир неча саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари ленинча меҳнат вахтасини давом эттира бориб, зиммаларига янги оширилган социалистик мажбурият олдилар. Улар СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловлар куни — 14 июнга юбилей йили биринчи ярим йиллик топшириғини адо этишга аҳд қилганлар.

Тошкентнинг ишчилар синфи коллективлари В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводи, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, Чирчиқ электрохимия комбинати ҳамда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ишчи коллективларининг беш йиллик топшириқларини ва 1970 йил планини муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусига амалий иш билан жавоб бермоқдалар.

Республика пойтахтининг меҳнаткашлари июнь ойини зарбдор ой деб эълон қилдилар.

Ишчи коллективлари июнь 1970 йилнинг биринчи ярим йиллигига якун ясайдиган ой эканлигини тўғри тушуниб, ана шунга яраша ишламоқлари даркор. Шу сабабли пойтахтимиздаги ҳамма завод-фабрикаларда, ишлаб чиқариш-техника ташкилотлари ва қурилишда янги ойнинг биринчи кунидан бошлабоқ иш суръатини янада ошириш нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ўз ўзидан кўриниб турибди.

ИЮНЬ ОЙИНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНИ ҚАНДАЙ БОШЛАНДИ? МАЙ ОЙИДА ҚАНДАЙ ЮТУҚЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ? — Мухбиримизнинг саволларига шаҳримиздаги саноат корхоналарининг раҳбарлари шундай жавоб қайтаришди.

САЙЛОВ КУНИГАЧА

О. НОВИЦКИЙ,
трактор-йиғув заводининг директори.

БУГУН

корхонамизда янгидан қурилаётган механика-йиғув корпусида қуритиш комплекси фойдаланишга топширилди. Ана шу янгидан ташкил этилган участкада «Т-28Х4» маркали тракторининг орқа кўприги ювилади ва қуритилади.

Йиғув цехининг бош конвейери одатдагидек ишлаб турибди. Иккинчи смена охиригача 30 та «пўлат от» йиғишни мўлжаллаяпмиз.

Коллективимиз аъзолари беш ойлик планни муваффақиятли адо этдилар. Планга қўшимча равишда 1,7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Мамлакатимиздаги пахтакор колхоз-совхозларга пландан ташқари 900 дан ортиқ трактор жўнатилди.

Заводимизнинг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари ленинча зарбдор меҳнат вахтасини давом эттириб, юбилей йили биринчи ярим йили топшириғини СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловлар кунигача адо этиш учун бутун имкониятни ишга солмоқда.

НАВБАТ «ОАЗИС-3»ГА

И. ТАГИРОВ,
холодильниклар заводининг директори.

— Коллективимиз аъзолари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан олдиларига қўйилган вазифани шараф билан адо этишмоқда. Бу вазифалар— юбилей йилида ўтган йилдагидан ўн тўрт мингта ортиқ, яъни олтмиш тўрт мингта «Оазис-2» холодильниги ишлаб чиқариш, рекламацияга йўл қўймаслик, бир вақтнинг ўзида аҳоли эҳтиёжи учун янги, такомиллашган «Оазис-3» холодильниги ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат.

БУГУН

смена давомида конвейердан бир юз ўттиз холодильник туширилди ва топшириқ ортиғи билан адо этилди. Ёзнинг иссиқ июнь ойида коллективимиз республика аҳолисига олти мингта холодильник етказиб беради.

Г. Маракулин бошлиқ асбобсозлик цехининг меҳнатчилари ҳамда завод инженер-техник ходимлари янги «Оазис-3» холодильнигини ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўришга киришдилар. Бунинг учун мосламалар ўрнатилади, чизмалар, материал сарфлаш нормаси, ускуналарнинг қуввати белгиланади ва ҳоказо.

Ҳозир завод бош технологи И. Волошин Минскдаги бош корхонада «Оазис-3»нинг тажриба намунасини тайёрламоқда. Холодильникнинг бу тажриба намунаси СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда рўзғор асбоблари машинасозлиги министрлигига тақдим этилади.

ШИЖОАТЛИ КУНЛАР

В. ЛЕБЕДЕВА,
2-тикувчилик фабрикасининг директори.

БУГУН

ФАБРИКАМИЗДА КИЙИМ-КЕЧАКЛАРНИНГ ЯНГИ ТЎРТ ХИЛ МОДЕЛИНИ ОММАВИЙ РАВИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА КИРИШИЛДИ.

Тикувчилар зиммаларидаги масъулиятни тўғри тушуниб, харидорлар дидига мос либослар тайёрлаш учун бутун имкониятни ишга солмоқдалар. Ишлаб чиқаришда қўлга киритаётган ютуқларимиз ҳам дуруст бўляпти. Коллективимиз аъзолари беш ойлик топшириқни муддатидан илгари шараф билан адо этдилар. Эндилинда эса улар ўз олдиларига — беш йиллик топшириқни 7 ноябргача адо этиш вазифасини қўйганлар.

Улуғ Октябрнинг 53 йиллиги нишонланадиган санагача қолган ҳар бир ой ва ҳар бир кун коллективимиз аъзолари учун зарбдор ва шижоатли кунлардир.

ЯНГИСИ ЎЗЛАШТИРИЛДИ

В. ВАНЮШИН,
Подшипник ремонти заводининг директори.

Нима кўп, подшипникнинг хили кўп. Заводимизда янги подшипниклар ишлаб чиқариш билан бирга катта-кичикликдаги ҳар хил эскирганлари ҳам қайта ремонт қилинади. Ҳар бир маркадаги подшипник ишлаб чиқариш ёки ремонт қилишни ўзлаштириш коллективимиз учун ютуқ ҳисобланади.

Яқинда пахта териш машиналарига ишлатиладиган подшипниклар ремонти ўзлаштирилганлиги ана шундай ютуқлардан бири бўлди. Чунки, бир пахта териш машинаси учун шундай подшипниклардан 150 га яқини ишлатилади.

Беш ойлик план топшириқларини муддатидан илгари ошириб адо этган коллективимиз юбилей йилида ўз олдига буюмларнинг бир неча янги хилини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва давлатга планга қўшимча кўплаб маҳсулотлар беришни вазифа қилиб қўйган. Ўтган ойлар мобайнида қилинган фидокорона меҳнат туфайли халқ хўжалигига пландан ташқари бир неча минг сўмлик маҳсулот берилди.

БУГУН

«Узсельхозтехника»нинг область бирлашмаларига қайта ремонтдан чиқарилган подшипниклар юборилди. Булар «зангори кема»ларни ўз вақтида ремонтдан чиқариб, пахта теримига тахт қилиб қўйишда механизаторларга жуда қўл келади.

Ремонтчилар СССР Олий Советига бўладиган сайловлар кунини меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш шиорини ўртага ташлашган. Ҳозир барча цехларда июнь ойи учун белгиланган ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини муддатидан илгари ошириб бажариш учун кураш давом этмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР

Халқ хизматкори — депутатлар ҳақидаги бугунги суҳбат катта қизиқиш билан тингланди. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳозир бўлганлар вақт қандай ўтганини сезмай қолдилар. Ҳатто, суҳбатнинг охири қизғин савол-жавобга айланиб кетди. Тажрибали агитатор, 172-мактабнинг тарих ўқитувчиси В. Панченко сайловчиларнинг барча саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

64|13 сайлов участкасига қарашли агитпункт атрофига В. Панченкога ўхшаган ишчан агитаторлардан 40 нафари уюшган.

— Шу кунларда агитаторларимизнинг бутун диққат-эътибори меҳнаткашларга депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳолларини айтиб бериш, овоз бериш учун таклиф қоғозларини тўлдириб, сайловчиларга тарқатишга қаратилган, — дейди агитпункт мудири С. Пискунова.

Чиндан ҳам сайлов участкасида бўлган киши сайловга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилганлигининг гувоҳи бўлади. Участка сайлов комиссияси аъзолари қиладиган ишларини яхши билишади. Сайловлар кунида шошиб қолмаслик учун ҳозирданоқ махсус кабиналар, бюллетень ташлаш қутичалари тайёрлаб қўйиш каби ишларни бажариб қўйишга киришилди.

Тўрт мингга яқин сайловчи 14 июнда барча совет кишилари қатори коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари —халқимизнинг муносиб фарзандлари учун бу сайлов участкасига келиб якдиллик билан овоз берадилар.

✻ Қурувчилар совғаси

ЯНГИ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Қорақамиш массиви кундан-кунга кенгайиб ва гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда уй-жой бинолари билан бирга магазин, мактаб, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг бинолари ҳам қад кўтармоқда.

Ўтган куни у ерда икки қаватли бино битказилди. Янги бинода икки юз саксон кичкинтой тарбияланади. Болалар боғчаси биносини қуришда прораб Е. Будников бошчилик қилаётган участка коллективи катта хизмат кўрсатди.

Бинони қуришда асосан уй-жой қурилиши трестига қарашли «Ташмосстрой» қурилиш бошқармасининг коллективи меҳнат қилди.

Массивда қурилган 70-болалар боғчаси эрта-индин кичкинтойларни ўз бағрига қабул қилади.

БАДИИЙ БУЮМЛАР ЭКСПОРТИ

«Сувенир» фабрикасида ишланган ранг-баранг бадиий буюмларга чет элларда ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Сопол фил суяги ҳамда ёғочдан ясалиб, нақшлар билан миллий безатилган буюмлар кишн кўзини қувонтиради.

Корхона куни-кеча ўз маҳсулотларидан бир партиясини Германия Демократик Республикаси ва Францияга жўнатди.

ДЎСТЛИК ГУЛЗОРИ

Бу гулзорга кириб қолсангиз, чинакам дўстликнинг ёрқин тимсолини кўрасиз. Бу ерда турли мамлакатлардан келтирилган гуллар барқ уриб, гулламоқда.

Ҳа, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига қарашли республика ёш табиатшунослар станциясида ёшлар «Дўстлик гулзори» барпо этишди. Бу ерда Болгария, Венгрия, Чехословакия ва Вьетнам республикалари ўқувчилари юборган гуллар яшнаб ётибди.

Станциянинг 12 тўгарагида ёш табиатшунослар табиат сирларини ўрганмоқдалар. Станциянинг сабзавотчилик тўгараги шаҳар мактаблари, пионер уйлари ва боғчалари учун 10 минг тупдан ортиқ турли сабзавот кўчатлари етказиб берди. Ҳозир тўгаракнинг станциядаги ўқув-тажриба участкасида ёш сабзавотчилар амалий тажрибалар олиб бормоқдалар.

Гулчилар тўгараги эса шаҳар мактаблари ва пионер саройлари учун 8500 туп турли хил гул навларини етказиб беришди.

Ипакчилар тўгараги станциянинг фахри ҳисобланади. Тўгарак ҳар йили Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида қатнашади.

Станция кучи билан ёш табиатшуносларнинг турли конференциялари ўтказилиб турилмоқда. Июль ойида Андижон шаҳрида ёш табиатшуносларнинг республика слёти ўтказилади. Слётда шаҳар, область ёш табиатшунослар станциясидан 300 дан ортиқ ўқувчилар қатнашади. Бу слётда 14 ҳамшаҳаримиз ўз ишларини намойиш қилишади.

Қ. ТЎЛАГАНОВ,
Республика ёш табиатшунослар станцияси методисти.

✻ Беш кунлик ва дам олиш

МАШИНАСОЗЛАР ОРОМИ

«Ташсельмаш» заводи ишчи ва хизматчилари беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун ғайрат қилишяпти. Машинасозларнинг ўз вақтида дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун корхона маъмурияти бутун чораларни кўрмоқда.

Кеча слесарь, токарь ва бошқа касб усталаридан иборат группа Чимён бағрида икки кун дам олиб қайтди.

Етти йилдан бери намунали ишлаб турган Иссиқкўлдаги «Ором» пансионати бу йилги мавсумга шай қилинди. Пансионатда ҳар сменада 250 киши мириқиб дам олади.

Корхонанинг Арнасойдаги балиқчилик хўжалигида ҳам балиқ ови мавсуми бошланди. Шанба ва якшанба кунлари у ерга 50 киши борди.

Шунингдек, Чимёндаги «Пионер Востока» лагерида машинасозларнинг фарзандларини кутиб олишга тараддуд кўрилмоқда.

КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ

Кеча устки трикотаж фабрикаси ишчиларидан иборат дам олувчилар группаси Бурчмулладан келишди.

Алоҳида ажратилган машинада фабриканинг ишчиларидан 30 киши Бурчмулланинг баҳаво жойларида бўлишиб, ҳордиқ чиқариб қайтдилар. Дам олишга ҳар цехдан 3-4 тадан энг илғор ишчилар таклиф қилинганди.

Фабрика маъмуриятининг ташаббуси билан ўтган шанба ва якшанба кунларида чеварлар Самарқанд ва Бухоро сафарида бўлишган эди.

МЕКСИКА—СССР—0:0

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ БОШЛАНДИ.

Бутун дунё футбол ишқибозлари орзиқиб кутган кун ниҳоят етиб келди. Кеча Мексиканинг пойтахти Мехикодаги «Ацека» стадионида футбол бўйича IX жаҳон биринчилиги старт олди.

Мексика вақти билан кундуз соат 11. Президент гвардиясининг оркестри марш чалиб ўтгач, кадетлар жаҳон футбол федерациясининг аъзоси бўлган 135 мамлакатнинг байроқларини кўтариб чиқадилар. Сўнгра ёш футболчилар чемпионатнинг финал қисмида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритган 16 терма команда миллий формаларида майдон чеккасида саф тортадилар. Улардан кейин чемпионатни очиб бериш шарафига муяссар бўлган Мексика ва СССР футболчилари майдонга чиқишди.

Трибунага Мексика президенти Диас Ордас, жаҳон футбол федерациясининг президенти Стенли Роуз ва Мексика футбол федерациясининг президенти Гулермо Канедо кўтариладилар.

Мексика президенти IX жаҳон чемпионатини очиқ деб эълон қилади. Стадион узра Мексика ва Совет Иттифоқи давлат гимнлари янграйди.

Соат 12. Ғарбий германиялик судья Курт Ченчернинг ҳуштаги билан Мексика — СССР учрашуви бошланди.

Стадионни тўлдириб ўтирган 108 минг томошабин бир овоздан ўз командаларини ғалабага ундайди.

Командалар ҳаяжонланаётганини уларнинг қатор хатоларга йўл қўяётганликларидан билса бўлади. Бундан ташқари ҳар икки команда ҳужумчилари ўрта масофадан ёки яқин масофадан тайёргарликсиз зарба беришга мажбур бўладилар. Бундай зарбалар эса Калдерон ва Кавазашвили каби дарвозабонлар учун хатарли эмас.

Учрашувнинг иккинчи ярми совет футболчиларининг бир мунча устунлиги билан ўтди. Нодия, Бишовец ҳисобни очиш учун қулай вазиятдан фойдаланаолмадилар. Серебряников ўрнига тушган Пузач, Нодияни алмаштирган Хмельницкий команда ҳаракатига бироз аниқлик киритади.

90 минут ўйин вақти тугаганда таблода 0:0 рақамлари турарди.

ТОШКЕНТ. Университет кўчаси.

Д. Облаев фотоси.

✱ БУГУН—БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

ҲАР ДОИМ БЎЛСИН ҚУЁШ..
А. ТЎРАЕВ фотоэтюди.

ЁЗ КЎНГИЛЛИ ЎТАДИ

Тўкин-сочин ва гўзал ёз фасли бошланди. Йил бўйи қунт-сабот билан ўқиган фарзандларимиз ёзги каникулни хушчақчақ, кўнгилли ўтказишга тайёрланишмоқда. Партия ва совет ташкилотлари бу йилги соғломлаштириш даврини кўнгилли ва мароқли ўтказиш учун ҳамма тадбирларни кўрдилар.

Бу йил ўлкамизнинг энг хушманзара жойларида, Чимён, Оқтош ва Бўстонлиқнинг энг баҳаво ерларида 43 та шаҳар-атроф пионер лагерлари очилади. Мазкур лагерларда меҳнаткашларимизнинг 48 минг 625 фарзанди кўнгилли дам олади.

Мактабларимизда сўнгги қўнғироқлар ҳам чалинди. Бугун эса биринчи имтиҳонлар бошланди. Ҳа-ҳу демай имтиҳонлар тугайди. Юқори синфлардан 7 минг 500 ўқувчи ўзлари оталиққа олган колхоз ва совхозлардаги меҳнат ва дам олиш лагерларида ҳордиқ чиқарадилар.

Саёҳат ва туризмни севган ўқувчилар учун жойларга саёҳат маршрутлари аниқланиб, ишлаб чиқилди. Саёҳат ва туристик походларга 70 минг ўқувчи қатнашади.

Шаҳар хиёбонлари, пионер уйлари ва мактабларда ташкил этилаётган 98 лагерда бутун ёз давомида 26 минг ўқувчининг дам олиши учун шароитлар яратилмоқда.

Ўсмирлар ва ўқувчиларнинг турар-жойларида ёз пайтида олиб бориладиган таълим-тарбия ва кўнгилли ҳордиқ чиқариш ишлари алоҳида ўрин тутади. Бу ишларни амалга оширишда ўйин, спорт майдонлари, болалар хоналари ҳамма зарур жиҳозлар билан бойитилмоқда. Шу усулда дам олишга 11 минг ўқувчи жалб қилинади.

Район халқ маорифи бўлимлари район комсомол комитетлари билан биргаликда шаҳар ва шаҳар-атроф лагерларини ўз вақтида тегишли кадрлар билан тўлиқ таъминлаш йўлида бир қанча тадбирларни кўриб чиқди.

Педагогика олий ўқув юртлари ёзги дам олишни мазмунли ўтказишда яқиндан ёрдам бериб, 700 студентни шаҳар ва шаҳар-атроф лагерларида ишлаш учун юборадилар.

Шаҳар ва шаҳар атрофидаги пионер лагерларида доҳиймиз В. И. Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолияти тимсолида тарбиявий ишлар олиб борилади. Шунингдек, тарбиявий иш планларида қизиқарли саёҳатлар уюштириш, кинофильмлар кўриш, тўгараклар ташкил этиш, илғор кишилар билан учрашувлар ва турли спорт кўрикларини ўтказиш кўзда тутилади.

Бундай тадбирларни амалга оширишда мактабдан ташқари ташкилотларнинг роли алоҳида ўрин тутади. Ёз давомида бу ташкилотларнинг ташаббускорлиги билан олиб бориладиган тўгаракларга ўн уч минг ўқувчи қатнашади. Ёз мавсуми давомида шаҳар кинотеатрларида болалар кинофильмларининг фестивали ўтказилади.

Ёшларимиздан 1200 ўқувчи соғломлаштириш лагерларида дам олиб, ўзларининг спорт маҳоратларини оширадилар.

Бу йилги мавсумда кичкинтойларга алоҳида эътибор берилди. Шаҳардаги ҳамма болалар боғчаларида соғломлаштириш учун тайёргарлик ишлари кўриб бўлинди.

Фарзандларимиз ёз давомида қанча яхши дам олсалар, шунча соғлом, бардам ва яхши ўқишга шунча кўп куч тўплайдилар. Ҳар бир ота-она, мактаб, пионер лагерлари ва бутун жамоатчилик ёшларимизнинг яхши дам олишлари учун ғамхўрлик қилишлари керак.

Т. ДАДАШЕВ,
шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири.

ИСТИҚБОЛ ҒУНЧАЛАРИ

Бола эдик,
Танлар — олов,
Қалб — қайноқ,
Кўзлар ўткир,
Диллар соф,
Эркин-эркин ўйнардик....

Севимли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг бу содда, самимий юрак тароналаридан инсон умрининг ажойиб гул фасли — болаликнинг гашту намоси, кўрку латофати акс-садо бериб, кўнгилга хушнудлик бағишлаб, эзгу ўтмиш ҳиссиётларини қайта жонлантиради...

Ҳа, фарзанд дунёга келгач, у билан олам-олам қувонч, шодлик, умид ва орзулари ҳам туғилади, хонадонга қут-барака ёғилгандек бўлади. Файз, шодлик, ўйин-кулгининг кети узилмайди. Ҳамманинг чеҳраси очиқ, юзида қувонч, тўкин дастурхон....

Мунис-меҳрибон она ширин тилаклар, эзгу ҳиссиётлар билан алла айтади. Мурғаккина гўдакка, жигарпорасига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, яхшилик тилайди. Унга ором бағишлайди. Тунларни бедорликда, уйқуни ҳаловатсизликда ўтказиб, унга парвона бўлади онаизор.

Эҳ-ҳе... буларнинг ҳаммаси ҳақида ёзиб-сўзлаб тугатиб бўлармиди! Асло! Она таърифи фарзанд ширинлиги дунёга сиғмайди. Биз доим саломаликдан кейин биринчи бўлиб: «Бола-чақалар омонми?», «Дўмбоқчалар катта бўлишяптими?» деб сўраймиз.

Улуғ Ватан урушининг даҳшатли кунларида халқимиз тантилиги яна ҳам аён бўлди. Каллакесар, XX аср ваҳшийлари — фашистлар касофати билан неча ўн минглаб бегуноҳ гўдаклар етим бўлиб қолдилар. Ана шундай оғир, мусибатли дамларда қон-қардошлик, юксак одамийлик намунасини кўрсатган оддий ўзбек хонадонида рус, латиш, украин, белорус, яҳудий, татар фарзандлари меҳру-муҳаббат ва илтифотга сазовар бўлдилар. Рус Аҳмаджон, латиш Латофат, украин Зайнаб, белорус Ўктам, яҳудий Исмат, татар Зокир ўзбек хонадонида яйраб-яшнаб улғайди, камолга етди.

Машъум Тошкент зилзиласи... Гўдаклар қўрқувда, бесаранжом бўлиб қолишди. Йўқ, қон қардош совет халқи ўзбекни яккалаб қўймади. Гўзал Украинанинг сўлим боғлари, Қримнинг шифобахш оромгоҳлари, жонажон пойтахтимиз Москванинг қалин ўрмонзорлари оралигидаги хуштабиат гулшанлари тошкентлик болаларга бериб қўйилди.

Ҳа, Ф. Э. Дзержинский айтганидек, «революция самаралари бизники эмас, уларники — кўзимизнинг оқу-қароси бўлган азиз фарзандларимизники!»

Дунёдаги бирорта капиталистик мамлакатда меҳнаткаш халқ нуридийдалари бизнинг жонажон Ватанимизда бўлганидек меҳру-муҳаббат билан қуршаб олинган эмас ва у чиркин системада бу ҳусусда гап ҳам бўлиши мумкин эмас!

Бизнинг ота-оналаримиз ўғил-қизлари учун революция қилдилар, ўғил-қизлар ёш ниҳолларни фашизм иллатидан сақлаш учун курашиб, уни ўз уясида енгдилар. Мана, ниҳоллар вояга етиб, тинчлик, бахт-саодат, эркин-фаровон ҳаётни муҳофаза этяптилар. Ҳа, болаларимиз учун тинчлик керак, урушга лаънат! Отахон шоиримиз Ғафур Ғулом бундай тараннум этади:

Биз замона яратдик сизга
мерос бўлсин деб,
Ҳар бир олтин ғиштида
коммунизм намоён.
Янги тарзда яратдик,
сизларга хос бўлсин деб,
Инсонча яшаш билан
шарафлансин бу жаҳон.

Коммунизм жамиятининг муносиб ворислари бўлиб вояга етаётган ҳозирги авлод ҳамма томонлама меҳру-муҳаббат, илтифот ва ғамхўрлик билан қуршаб олинганлар. Ясли-боғча, мактабу олий таълим ўчоқлари фарзандларимиз учун. Уларнинг қувноқ қўшиқларида улуғ Ленинга меҳр-муҳаббат, шонли коммунистик партияга садоқат ҳисси баралла янграйди:

Она каби меҳрибон,
Илм фанларга макон,
Яйраб ўқийман ҳар он
Қадрдоним мактабим!

Уларнинг қувноқ кулгиси-ю, янгроқ ашуласи ота-онага мадад беради, руҳини мусаффо этиб, ҳаётга, меҳнатга онгли, сидқидил муносабатда бўлишга шайлантиради. Халқимиз: «Одам умрининг лаззати — фарзанд» деб бежиз айтмаган.

Қизларимизнинг ҳаётда муносиб ўринлари, аён касбкор истиқболлари бор. Қон-қариндош арман халқининг: «бир яхши қиз етти ўғилга баравар», — деган ажойиб нақли бор.

Ҳақ гап. Қозоқ мақолида айтилганидек: Гул ўсса ернинг кўрки, қиз ўсса элнинг.

Адабиётимизда халқимизнинг қалб сўзларини, юрак акс садолари аён ифода этилган. Болажонли халқимизнинг азиз фарзандларига бўлган беқиёс инсоний меҳр-муҳаббатлари, умид ва ишончлари яққол намоён. Она билан бола — гул билан лола, деганларидек Ҳамид Олимжон илиқ, самимий юрак ҳиссиётларини мисраларга бундай қуяди:

Гул очилар баҳор чоғида,
Ва тўлишар она боғида.
Она севмас фарзанд
топилмас,
Фарзанд йўқдир онани
севмас.
Фарзанд гулдир, она бир
бўстон,
Шунинг билан жаҳон
гулистон.

Ҳа, жаҳоннинг гулистонлиги, эл-юртнинг обод фаровонлиги тинчлик-хотиржамликда. Болаларимиз уруш нималигини кинолардагина кўриб, тасаввур этадилар. Улар онгида уруш даҳшати қандай фалокатларга сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида тасаввур бор. Болаларимиз америкалик жаллодларнинг вьетнамлик бегуноҳ гўдакларга нисбатан қандай ваҳшийликлар қилаётганликларини, исроиллик золимларнинг бечора араб халқи ва унинг гуноҳсиз гўдаклари бошига ёғдираётган кулфатларини жуда яхши ҳис этишяпти. Уларнинг ҳиссиётини худди шу тарзда истеъдодли ёш шоир Абдулла Орипов бундай ифодалайди:

Боқинг, уруш даҳшатидан
Огоҳ бўлинг, яхшилар,
Бўлмасин-чун қуйлаклар қон
Сергак бўлинг яхшилар.

Ҳа, жонажон Ватанимизнинг ҳар бир қарич ери, олтин тупроғи азиз ва дахлсиздир. Бу Улуғ тинчлик қалъасига тумшуғини суққан ҳар бир нопок, ғаломус шундай зарба ейдики, у бошқа олчоқларга яхшигина ибрат бўлади.

Болаларимизнинг ширин уйқусини, гўзал кулгусини, тинч билим олишини таъминлаётган жонажон Коммунистик партиямиз, улуғ давлатимиз бор.

Ишчи-ю бинокор, ўқитувчи-ю-шифокор, олиму-бастакор тинч, хотиржам ижодий меҳнатда. Негаки, кўзларининг оқу-қароси, келажак истиқболлари бўлган азиз фарзандлари соғлом, бақувват, тетик-бардам бўлиб, ўсиб-вояга етяпти. Шоир айтмоқчи:

Оила қувончи, фарзандлар
бахти,
Қоядай бардошли,
заҳматкаш, доно,
Оталар — ҳаётнинг чинор
дарахти,
Қуёш меҳрингизга дилдан
тасанно!

У. САЛОҲИДДИНОВ,
педагогика фанлари кандидати.

Ташаббускорлар

Чилонзор районидаги 10-болалар поликлиникасининг ишчан медицина ходимлари яхши ташаббус бошладилар. Аҳолига медицина хизматини янада яхшилаш мақсадида 10 кишидан иборат тиш докторлари бригадаси тузилди. Таниқли стомотолог М. Юсупов раҳбарлигидаги шифокорлар 228 ва 77-ўрта мактаб биносида ўзларининг кўчма аппаратлари билан аҳолига сидқидилдан хизмат кўрсатишмоқда.

Район соғлиқни сақлаш бўлими бригада ихтиёрига замонавий асбоб-ускуналар, медицина асбоблари ажратиб берди. Улар мактаб ўқувчилари, боғча ва яслиларда тарбияланувчиларда учрайдиган тиш оғриғи, ревматизм касалликларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш учун бутун кучларини сарфлашмоқда.

— Бригада бўлиб хизмат қилиш усули яхши натижалар беряпти,— дейди тажрибали стомотолог Ольга Хўжандиева биз билан суҳбатда,— қисқа вақт ичида 5000 дан ортиқ бола медицина кўригидан ўтказилиб, баъзи тиш касалликларига чалинган болалар ва ўсмирларга тиббий ёрдам кўрсатилди.

Қувончлиси шундаки, бригаданинг В. Яковлева, З. Ҳаммадрва, А. Пилосова, М. Коганова, А. Абдураҳмонов, Т. Убайдова сингари ўз касбини севган аъзолари мактаб ўқувчилари ва ота-оналар ўртасида «Тишингизни эҳтиёт қилинг», «Тиш касалликлари ва унинг келиб чиқиши», «Ревматизмнинг олдини олиш мумкинми?» деган темаларда суҳбатлар ўтказишди.

Саломатлик посбонларининг ажойиб ташаббусларидан массивдаги 12, 13, 14, 16 ва 11-кварталларда яшовчи аҳоли беҳад хурсанд бўлмоқда.

Қ. МАЛИКОВ,
ўқитувчи.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

АВСТРИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

ВЕНА. Бу ерда Австрия Коммунистик партиясининг XXI съезди «Австрия Компартиясини мустаҳкамлайлик, капиталга ва социал шерикчиликка қарши курашайлик!» деган шиор остида очилди. Съезд ишида 350 дан ошиқ делегат қатнашмоқда.

Съездга 11 қардош партиянинг делегацияси, шу жумладан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Челябинск область партия комитетининг биринчи секретари Н. Н. Родионов бошчилигидаги КПСС делегацияси ҳам келди.

Съезд Австрия Компартиясининг энг кекса арбобларидан бири, Австрия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Фридль Фюрнбергнинг қисқача кириш нутқи билан очилди.

Австрия Компартиясининг раиси Франц Мури съездда Австриянинг сиёсий аҳволи ва партиянинг вазифалари тўғрисида Марказий Комитетнинг ҳисобот докладини қилди.

(ТАСС).

АГРЕССОРЛАРНИНГ ТАЛАФОТЛАРИ

ҚОҲИРА. Кеча тушда Исроилнинг бир группа самолётлари Сувайш каналининг жанубий секторидаги Миср қўшинларининг позицияларига зарба бермоқчи бўлиб уринган пайтда Бирлашган Араб Республикаси ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари битта «Скайхок» самолётини уриб туширдилар.

БАР ҳарбий қўмондонлиги вакилининг МЕН агентлиги орқали тарқатилган баёнотида уқтирилишича, Америкада ишлаб чиқарилган ва ёниб кетган самолёт каналнинг шарқий қирғоғига қулаб тушган.

(ТАСС)

СУРАТДА: Рангундаги В. И. Ленин юбилейига бағишланган виставка. Бу виставка Бирмада В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлаш бўйича амалга оширилган тадбирларнинг энг асосийларидан бўлди.

Н. Новиков фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

УЛАН-БАТОР. ТАСС мухбири К. Болдохонов хабар беради:

Бу ерда Монголия Халқ Республикасидаги таниқли оммавий жамоат ташкилоти — Монголия — Совет дўстлиги жамияти Улан-Батор бўлимининг ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди. Уч йил ичида шаҳар ташкилоти аъзоларининг сони 25 процент кўпайди ва ҳозирги пайтда пойтахтнинг катта ёшдаги ҳар уч кишисининг бири бу ташкилотнинг аъзоси дейиш мумкин. Улан-Батордаги 50 дан ортиқ корхона ва муассаса Монголия—Совет дўстлиги жамиятининг коллектив аъзосидир.

Монголия — Совет дўстлиги жамияти Улан-Батор шаҳар кенгашининг раиси Л. Жамбалдорж ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: Монголия меҳнаткашлари ўртасида совет халқининг муваффақиятларини пропаганда қилиш, Совет Иттифоқидаги ишчилар, қишлоқ меҳнатчилари, техника зиёлилари ва ижодкор зиёлилар коллективларининг иш тажрибасини кенг ўрганиш ва жорий қилиш, монгол ва совет халқларининг қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш — жамиятимизнинг асосий ишидир.

Ҳозирги ҳисобот даври Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги, Халхил-ГОЛ яқинида Совет—Монгол қўшинларининг япон босқинчилари устидан қозонган ғалабасининг 30 йиллиги, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги ва совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонилган жаҳоншумул ғалабасининг 25 йиллиги каби муҳим воқеалар билан нишонланди. Монгол халқи ана шу саналарни энг катта ва энг қувончли байрам сифатида тантанали вазиятда нишонлади. Ана шу муҳим воқеалар муносабати билан, деди Л. Жамбалдорж, мамлакатимизда уюштирилган ранг-баранг ва мароқли ишларда монгол-совет дўстлиги жамиятининг аъзолари жуда актив қатнашдилар.

Конференция ишида Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Монголия—Совет дўстлиги жамияти Марказий Кенгаши президиумининг раиси Б. Лхамсурэн, Монголиядаги тинчлик ва дўстлик ташкилотлари Федерацияси ижроия комитетининг раиси Д. Адилбиш қатнашди.

ҚАДИМГИ МАДАНИЯТ ҚОЛДИҚЛАРИ

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентинанинг Патагониядаги Неукен вилояти территориясида ўтказилган археология қазишмалари чоғида милоддан сал кам 900 йил илгари мавжуд бўлган ибтидоий маданият қолдиқлари топилди.

Топилган меҳнат тош қуроллари бир вақтлар бу ерда ёввойи ҳайвонларни ов қилиш ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи кишиларнинг макони бўлганлигидан далолат беради.

(ТАСС).

Американинг Санто-Доминигодаги одами

Доминикан Республикасида 16 майда бўлиб ўтган сайлов кампанияси 70 дан кўпроқ кишини ўлдириш, ўнлаб кишини ярадор қилиш, юзлаб кишини қамоққа ташлаш билан якунланди.

Ўша куни Хоакин Балагер тўрт йиллик муддатга иккинчи марта президент бўлиб қолди. У Марказий Американинг бу давлатнинг бошлиғи қилиб биринчи марта 1966 йилнинг 1 июнида мамлакат АҚШ парашютчилари ва денгиз пиёда аскарлари томонидан босиб олинган вақтда «сайланган» эди. Бу гал ҳам 20 мингдан кўпроқ (энди Доминикан форма кийимидаги) солдат ва полициячи Санто-Доминго кўчаларида ҳамда мамлакатнинг бошқа шаҳарларида найзалар ва резинка таёқлар билан Балагер фойдасига «овоз бериб» патруллик қилиб юрдилар. Қолган ишларни сайлов олдида энг яхши техасча усулда қилинган фрибгарликлар тугалланди.

Хўш, Хоакин Балагер ким ўзи?

Ғарбдаги ва биринчи навбатда Америкадаги буржуазия матбуоти Балагерни таърифлаб, бу рангсиз сиёсатдонга ақилли киши деган савлатни бериб, уни ярқиратиб кўрсатиш учун уринади. Бироқ Балагерни кўп йиллик устози, мамлакатни ўттиз йил давомида бошқариб ёмон хотира қолдирган «генералиссимус» Трухильо билан ноилож таққослайдилар. Балагер вафот этган бу золим билан ўзининг маънавий қардошлигини яшириш учун ҳар қанча уринса ҳам сохта демократик ниқоби орқали ашаддий реакционерлиги ва коммунистлар душмани эканлиги кўриниб турибди. Унинг ҳокимиятни бошқаришини Трухильосиз трухильизм деб бежиз атамайдилар.

1960 йилда «Нью-Йорк Таймс» газетаси Балагерни америкалик газетхонларга таништириб «у шуҳратпараст сиёсий арбоб эмас» деб даъво қилган эди. Майли, бу таъриф маълум маънода шундай. Ҳа, ғайри табиий шуҳратпарастликда Трухильо билан мусобақалашишга унинг кучи етиши эҳтимолдан узоқ эди. Трухильо бир вақт ўзи ҳақида гапириб: «Мен бирдан-бир нарсага — шунчалик кичик мамлакатда улуғворлигимнинг кўринмай қолаётганига ачинаман» деган эди.

Шундай бўлса ҳам синьор Хоакин нафсониятсиз киши эмас. Шу сабабли у «баландпарвоз» гаплашишни билиши туфайли қудратли золим Трухильонинг эътиборини ўзига тортгунча адлия, дипломатия сингари турли соҳаларда ўз кучини беҳуда синаб кўрган эмас. Юрист Балагер Трухильо ҳузурида алоҳида шуҳрат қозониш учун уринмади ва шу сабабли дипломат бўлиб ишлашга қарор қилди. Сўнгра у президент секретарининг ўрнини эгаллади. Кейинчалик вице-президентликка кўтарилди.

Балагер Трухильо вафотидан кейин бир қанча вақт Доминикан Республикасининг президенти вазифасини бажариб турди. Сўнгра бу мамлакат хўжайини — Америка капитали уни бошқа қўғирчоқлар билан алмаштирди. Хоакин АҚШга бадарға бўлиб кетди. Бу арзимас сиёсатдон эндиликда ҳеч қачон юқорига қалқиб чиқолмайдигандек кўринган эди. Лекин 1965 йил ёзида Санто-Домингода Америка босқинчилиги авж олган бир вақтда Вашингтонда уни эсга олишди ва бир йилдан кейин президент курсисига ўтқазиб қўйишди.

Синьор Балагер Трухильо мактабида яхши таълим олган эди.

Шу билан бирга агар Америкада чиқаётган «Тайм» журналининг под шивкаларини варақлаб кўрилса, унинг олган таълимлари баъзан Чехов Ванькасининг университетларини эслатади. Рост, Трухильонинг хотини унинг башарасига тузланган балиқ ниқтаган-ниқтамагани номаълум. Аммо «хўжайин»нинг ўзи қандайдир сиёсий муваффақиятсизликдан дарғазаб бўлиб Хоакинни калтаклаб ташлаган эди. Бироқ хизмат - хизматда. Иккинчи куни вице-президент ҳеч нима бўлмагандек, «волийнеъмат» ҳузурида яна назокат билан таъзим қилиб турди.

У президентлик вазифасида мамлакатда трухильоча эски тартибларни — демократларни террор қилиш, қамаш қийнашларни жуда тез тиклади. Балагер 1967 йил октябрда журналистлар олдида сўзлаб, Лотин Америкасида бошқаришнинг мумкин бўлган бирдан-бир усули диктатурадир, демократия эса Лотин Америкаси мамлакатларини «коммунизм қўлига бериб қўйиши мумкин» деб айтди. У ўша йилиёқ ўз режимининг «солдатлар найзасига таяниш»ини ошкор айтди.

Шу сабабли бу сиёсий товламачи ўзининг соф «ғайри ҳарбий бошқарувчи» деб шунчалик реклама қилинаётганини эсидан чиқариб, ҳа деб овозини ҳарбийларча баланд қилди. У «тартибсизлик»ларни бостириш учун ҳарбий чоралар кўришга буйруқ берди. Балагер сайловлар вақтида президентлик вазифасини ташлаб кетган бўлса ҳам «президентлик вазифасини вақтинча республика Олий Судининг раиси Рамон Руис Техеда бажариб турибди) у ҳокимият билан ҳайрлашиб кетишни истамайди ва ҳозирча Шимолий Америка империализмининг Санто-Доминигодаги энг матлуб ўз кишиси бўлиб қолмоқда.

А. ГИДОНИ.
(АПН)

АГРЕССИЯГА ҚАРШИ

ХАНОЙ. Ханойда Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг баёноти эълон қилинди. Баёнотда АҚШнинг Лаосдаги агрессив ҳаракатлари қораланади.

Баёнотда, жумладан, бундай дейилади: «Америка империалистлари халқаро ҳуқуқ нормаларига хилоф суратда олти йилдан буён Лаос масаласи юзасидан 1962 йилда Женевада тузилган битимни сурбетларча бузиб келмоқдалар. Бу мамлакатнинг суверенитети, мустақиллиги, тинчлиги ва бетарафлигини беҳаёлик билан поймол этмоқдалар. АҚШ империалистлари ҳозирги вақтда бутун Ҳинди-Хитойда уруш доирасини кенгайтирмоқдалар, бу райондаги тинчлик ва осойишталикка путур етказмоқдалар».

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати, дейилади баёнотда, Лаос Ватанпарварлар фронти илгари сурган беш моддадан иборат программани — можарони сиёсий жиҳатдан бартараф қилиш программасини тамомила қўллаб-қувватлаётганлигини яна бир марта тасдиқлайди. (ТАСС).

Исроиллик урушқоқлар Бирлашган Араб Республикасига қарши босқинчилик ҳаракатларини тўхтатмаяптилар. Сувайш канали бўйига жойлашган Миср шаҳарлари орасида душманнинг ҳаво ва артиллерия ҳужумидан айниқса, Сувайш шаҳри кўп шикаст кўрди.

СУРАТДА: Сувайш шаҳри районларидан бирдаги Исроил авиацияси томонидан вайрон қилинган уйлар.

К. ДУДАРЕВ фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Ассалом, қирғиз қардошлар!

Совет республикалари халқларининг адабиёт ва санъат декадалари ажойиб анъана бўлиб қолмоқда. Улар маданиятимиз бирлигини ва ўзаро бир-бирини чуқур бойита бораётганлигини намойиш этадилар. Ҳа, бизда ҳар бир халқ томонидан яратилган маънавий дурдоналар фақат ўша халқнинг ўзиникигина бўлиб қолмай, Советлар мамлакатининг бошқа халқлари маданиятини бойитишда ҳам хизмат қилади.

Бугун

Қирғизистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси очилади. «Тошкент оқшоми» газетасининг мухбири В. Емельянцев ўзбек делегацияси Фрунзе шаҳрига жўнаб кетиши олдидан Ўзбекистон ССР маданият министри А. М. Қўчқоров билан учрашиб, икки халқ маданиятининг бўлажак байрами ҳақида ҳикоя қилиб беришни илтимос қилди:

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР УЧРАШУВИ

— Ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги мавжуд маданий алоқалар ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси бунгача Эстония, Тожикистон, Монголия ва бошқа республикалар ҳамда мамлакатларда бўлиб ўтганди. Меҳмондўст ўзбек тупроғи ҳам кўпгина жўшқин учрашувларнинг шоҳидидир. Ана шундай ёрқин воқеаларнинг кейингиси 1969 йил сентябрда бўлиб ўтган қардош Қирғизистон адабиёти ва санъати декадасидир.

Мана, бугун эса, биз истеъдодли, меҳнатсевар қирғиз халқининг — яқин қўшнимиз ва қардошимизнинг меҳмони бўлиб турибмиз. Шошқин ва тошқин шўх Норин сувлари ўз сафарини ана шу гўзал диёрда бошлаб, сўнг улкан Сирдарёга бориб қўшилади. Нақадар рамзий бу! Икки қўшни халқнинг бахтли ҳаёт йўлидаги меҳнати ва интилиши ҳам худди ана шундай — ягона бир оқимни ташкил этади. Мана, қарийб 60 йилдирки, ана шу икки халқ қўлни қўлга бериб, бир йўлдан бораётир, ютуқларни бирга баҳам кўриб, қийинчиликларни биргаликда бартараф этаётир. Мана бир мисол. Бундан тўрт йил муқаддам, қирғиз қурувчилари зилзиладан зарар кўрган Тошкентга биринчилар қатори ёрдам қўлларини узатдилар. Қардош республикалар Тошкентда бунёд этган илк бинолар қаторида қирғиз дўстларимиз қурган уйлар ҳам саф тортди. Ана шу обидалар бузилмас дўстлигимиз рамзи сифатида асрлар сақланажак!

Икки қардош республика ўртасидаги алоқалар азалдан мавжуд. У кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётир. Айниқса, маданият соҳасида бу яққол кўзга ташланади. Ҳали, 1932 йилнинг май ойида, Совет Иттифоқи бўйлаб биринчи марта гастролга чиққан Бухоро ўзбек Давлат драма театри бадиий коллективи аввало Фрунзе шаҳрига келган эди. Қирғизистон пойтахти меҳнаткашларига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ғалаба», Фатхуллининг «Ниқоб йиртилди», Исмоиловнинг «Пахта зараркунандалари», Сайфулиннинг «Сувдаги қон» спектакллари намойиш қилинди. Бу театр гастроли икки қўшни, икки қардош халқнинг чинакам дўстлик намойишига айланди.

Қирғиз тупроғида республика партия ва ҳукумати қарори билан ташкил топган ўзига хос бир театр бор. Бу Ўш ўзбек Давлат театридир. Унинг коллективи қирғиз томошабинини ўзбек драматургларининг энг яхши асарлари билан таништиришда кўп йиллардан бери катта ва сермаҳсул иш қилмоқда.

Қирғиз адабиёти ва санъати республикамизда севиб ардоқланади. Али Тўқимбоев, Чингиз Айтматов, Тангол Абдумўминов ва бошқа кўпгина истеъдодли ёзувчиларнинг китоблари бизда ўзбек ва қорақалпоқ тилларида кўплаб нашр этилмоқда. Қирғизистонда эса ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарлари қирғиз тилида севиб ўқилмоқда. Кино экранларида икки республика кинематографлари яратган фильмлар зўр муваффақият билан намойиш қилинмоқда. Қирғизистон санъат усталари ўзбек радио ва телевидениеси орқали тез-тез чиқиб, Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг минг-минглаб аҳолиси олқишига сазовор бўлмоқдалар. Қирғизистон меҳнаткашлари Ўзбек Давлат симфоник оркестри, «Баҳор» ансамбли ва бошқа коллективларни иссиқ кутиб олдилар. Санъат усталаримиз «Олатов баҳори» фестивалида иштирок этишди.

Мустаҳкам ижодий ҳамкорлик икки халқ маданияти вакилларини бир-бирига янада яқин қилиб қўйди. Чингиз Айтматовнинг «Сарвиқомат дилбарим» асари асосида Ҳамза номидаги ўзбек академик театрида қўйилган спектакль кенг шуҳрат қозонди.

Ўзбек «Ёш гвардия» драма театри коллективи «Баҳс» («Дуэль») спектакли постановкаси устида ушбу драматик новелла автори — қирғиз драматурги Мар Бойжиев билан ҳамкорликда иш олиб борди. Натижада, ана шу ҳамкорликнинг меваси сифатида ажойиб спектакль юзага келди ва томошабин томонидан қизғин кутиб олинди.

Ўзбек театрлари афишаларида Ч. Айтматов қиссаси асосида ишланган «Момо ер», Т. Абдумўминовнинг «Шикоятга ўрин йўқ», Б. Шакиевнинг «Оталар тақдири» ва бошқа қирғиз авторлари пьесаларининг номини учратиш мумкин. Ўзбек композитори С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операси эса қирғиз опера ва балет театри саҳнасида, Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» ҳамда Абдулла Қаҳҳорнинг «Янги ер» пьесалари қирғиз драматик театри саҳнасида зўр муваффақият билан қўйилмоқда.

Республикамиз кино санъати усталари Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг кинематографчилари ўртасида ҳар йили бўлиб турадиган кўрик-мусобақаларда мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Қирғиз актёри Болот Бейшеналиев «Лайлак келди, ёз бўлди» ўзбек фильмида қатнашган бўлса, ўзбек артисти Наби Раҳимов «Жўра» ва «Одобли қиз» қирғиз фильмларида суратга олинди.

Айниқса, Ленин орденли қирғиз Давлат академик опера ва балет театри коллективининг 1969 йилда Ўзбекистонга келиши республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Навоий номли театри саҳнасида «Манас», «Ойчурек» опералари, «Асал» балети қўйилди.

Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Урганч ва республиканинг бошқа шаҳарларида қирғиз миллий рақс ансамбли, эстрада ансамбли ҳамда концерт группаси, Қарамолдо Ўрозов Давлат халқ асбоблари оркестрининг чиқишлари бўлди. Қирғиз хонандалари эса Самарқанд опера ва балет театри постановкаларида қатнашишди. Ўзбекистон кинотеатрларида «Қирғизфильм» студиясининг фильмлари намойиш этилди. Декадада қирғиз тасвирий санъатига кенг ўрин берилди.

Қирғизистон халқ ёзувчилари Чингиз Айтматов, Т. Сидиқбеков, К. Маликов, Т. Уметалиев билан студент ёшларнинг кўп учрашувлари бўлиб ўтди.

— Ўзбек адабиёти ва санъати усталари декада кунларида асосан нималарни намойиш этишади?

— Адабиёт ва санъат арбобларимиз қирғиз халқи билан бўладиган ҳаяжонли учрашувга пухта ҳозирлик кўрдилар. Улар ўзларининг яқин қўшнилари ва қардошларига энг яхши санъат дурдоналарини намойиш этиш учун бутун куч ва қувватларини аямайдилар.

Шу нарсани алоҳида айтиш керакки, қардош Қирғизистондаги декадамиз Ленин юбилейи йилида ўтаётир. У халқларимиз ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади. Декада улуғ Ленин ғояларининг ленинча миллий сиёсатининг тантанасига айланади, халқларимиз танлаб олган социалистик тараққиёт йўли, ижтимоий ва маданий тараққиёт йўли нақадар тўғри йўл эканлигини яна бир карра намойиш этади.

Биз қардош қирғиз биродарларимизга ўзбек совет адабиёти ва санъатининг энг яхши, энг ноёб дурдоналарини олиб келдик. Қирғизистон меҳнаткашлари мамлакатимизга довруғ ёйган бадиий коллективлар билан учрашиш шарафига муяссар бўладилар: булар — хизмат кўрсатган ўзбек Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли, «Шодлик» ўзбек ашула ва рақс ансамбли, Хоразм «Лазги» ашула ва рақс ансамбли, Ўзбекистон эстрада оркестри, Қорақалпоқ ашула ва рақс ансамбли, Ўзбекистон хор капелласи коллективларидир. Улар Тўхтағул ГЭСи ва Иссиққўл меҳнатчилари, Еттисув районн колхозчилари, Сусамур водийсининг чорвадорлари ҳузурида меҳмон бўлишади.

Қирғиз опера ва балет театрининг «Севилья сартароши», «Оққуш кўли», «Боқчасарой фонтани», «Евгений Онегин» ҳамда »Аида» спектаклларида ўзбек санъат усталаридан СССР халқ артистлари С. Қобулова, Г. Измайлова, Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Қориева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Беняминов, В. Васильев, Р. Лаут, Р. Кучликова ва бошқалар иштирок этишади.

Фрунзеда, шунингдек, республиканинг бошқа шаҳар ва районларида ўзбек бадиий ва ҳужжатли фильмлари фестиваллари бўлиб ўтади.

Замондошимиз, унинг коммунистик идеаллар тантанаси учун курашдаги меҳнат жасорати, маънавий дунёси Ўзбекистон тасвирий санъати кўргазмасининг бош мавзуини ташкил этади. Кўргазма декада кунлари Қирғизистон тасвирий санъати Давлат музейи биносида очилади. Байрам кунлари Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбоблари меҳнаткашлар билан, касбдош дўстлари билан учрашадилар. К. Яшин, Уйғун, Раҳмат Файзий, Миртемир, С. Бородин, Э. Раҳим, Зулфия, СССР халқ артистлари Олим Хўжаев, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Сора Эшонтўраева, кинематографчиларимиздан СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев, кинорежиссёр Латиф Файзиев ва бошқалар ўз дўстлари ҳузурига ташриф буюрадилар.

Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг Қирғизистондаги декадаси ҳеч шубҳасиз икки халқ маданиятининг катта байрамига айланади. Декада халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг янада мустаҳкамланишига, маданиятларимизнинг бир-бирига сингиб бориши ва бир-бирини бажариш процессини янада чуқурлаштиришда ва шу билан, Совет Социалистик маданиятининг, кўп миллатли советлар мамлакати маданиятининг бундан кейин ҳам гуллаб-яшнашига ёрдам беради.

СУРАТДА: декада қатнашчиси, Ўзбекистоннинг энг ёш ижодий коллективларидан бири — «Лазги» ашула ва рақс ансамбли Хива лазгисини ижро этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Темиркул УМЕТАЛИЕВ,

Қирғизистон халқ шоири.

ЎҒЛИМГА НАСИҲАТ

Турмушда нима бўлмас йўқ нима ҳам,
Завқ олар қўлин силтаб «акам» ҳар дам.
Гавдасин, ўз бошини ўйлар фақат,
Доғули, мансабпараст — бундайи кам!
Уялмай ўз-ўзини мақтаган бор,
Арқонни галстук деб атаган бор,
Ғунчани шафқат этмай толтаган бор,
Туну-кун нафсин ўйлаб, ётмаган бор.
Макон бор — эгасидан бошқага тор,
Бу уйга қариндош ҳам қўнмас зинқор.
Йигит бор — дўст бағрига ханжар қадаб,
Қаллиғин олай деган — қандай маккор!
Турмушда нима бўлмас, йўқ нима ҳам,
Полвон бор — ёвлар бошин қилган ғарам,
Ботир бор — элни ўйлаб, ўт-сув кечиб,
Жонини фидо қилган унга ҳар дам.
Фарзандим, етса кучинг, ботир бўлгин,
Элу-юрт хизматига қодир бўлгин.
Нари юр мансабпараст баъзилардан,
Дил боғин яшнатишда моҳир бўлгин.

Қирғизчадан **У. ЮСУПОВ** таржимаси.

ЯГОНА ТАҚДИР

Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. ЯШИН ҳикоя қилади.

Қардош қирғиз халқи адабиёти ўзига хос бир тақдирга эга. Улуғ Октябргача қирғизларда ёзув ҳам, алфавит ҳам йўқ эди. Эндиликда эса, бадиий ижодиётнинг барча жанрларида қалам тебратиб келаётган қирғиз ёзувчиларининг асарларини ким билмайди дейсиз? Ҳамкасб қўшниларимиз китоблари бугунги кунда Ватанимиздагина эмас, бутун жаҳонда машҳур бўлиб кетганлигини зўр мамнуният билан қайд этгим келади. Чет эл китобхонлари ўз она тилларида тоғли ўлка ёзувчиларининг асарлари билан ошна бўлмоқдалар. Ленин мукофоти лауреати, республика халқ ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг асарларини кўпгина мамлакатларда яхши билишади. Суюнбой Эралиевнинг «Юлдузлар сари» достони эса француз тилида босилиб чиқди. Венгрия поэзиси антологиясидан Темирқўл Уметалиевнинг шеърлари ҳам ўрин олган. Бу рўйхатни яна давом эттириш ҳам мумкин.

Қирғиз шоир ва ёзувчилари китобларининг бу қадар оммавийлигининг боиси — унинг мустаҳкам заминга эгалигида.

Қирғизистон... Табиат ана шу ажиб ўлкага чирой бахш этишда бутун саҳоватини аямаган. Бу юртга қорли ва нурли чўққилар, ям-яшил водийлар, мовий кўллар инъом этди у. Лекин Совет Қирғизистони кишилари ўз юртларига янги гўзаллик бахш этдилар. Улар баланд тоғ чўққиларини бир-бири билан туташтириб янги йўллар қурдилар, гидроэлектростанциялар турбиналарини ҳаракатга келтирдилар, водийларни инсон азмига бўйсундириб, гўзал либосга ўрадилар. Совет кишиларининг ана шу меҳнат шижоатини тараннум этиб, шоирлар ғазал битмоқдалар, ёзувчилар халқ дилига туташ романлар ёзмоқдалар.

Ўтган йили сентябрда Ўзбекистонда бўлиб ўтган қирғиз адабиёти ва санъати декадасида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларимиздаги китобхонлар Қирғизистон ёзувчиларининг янги китобларига, уларнинг ижодий режаларига нечоғлик катта қизиқиш билан қараганликлари, ҳалиям ёдимда.

Қардош республика адиблари асарларининг мавзуи ва ғоявий мазмуни ўзбек китобхони учун жуда яқин ва бебаҳодир. Бу асарлар унинг ҳаёти, ишлари ва интилишлари билан ҳамоҳанг эканлиги билан қимматлидир. Ўз навбатида ўзбек ёзувчилари ижоди ҳам қирғиз китобхонларида ана шундай хис уйғотади. Шундай бўлиши табиий ҳам. Қирғиз ва ўзбек-ён қўшни, тақдири тақдирига пайванд халқ.

Адабиётларимизни бир-бирига чамбарчас боғловчи яна битта омил бор. Бу — Ленин мавзуи. Революция доҳийсини, ҳуррият ва бахт йўлини кўрсатган Ленинни улуғловчи минг-минг сатрлар тўқилди, достонлар битилди, халқ оқинлари томонидан ғазаллар басталанди, ёзувчилар ўзларининг энг ёрқин асарларини армуғон этдилар. Ленин мавзуи ёзувчилар ижодида бундан кейин ҳам янги қирраларда жило топиши табиий.

Икки қардош республика адабиёти бир-бирига азалдан пайванд. Алишер Навоийнинг буюк мисралари аллақачонлар қирғиз хонадонидан жой олган. Машҳур «Манас» эпоси қаҳрамонлари ўзбек диёрида ҳам ғурур билан тилга олинади. Ҳамза қирғиз тилида, Тўхтағул ўзбек тилида сўйлайди. Қалам соҳибларининг кўп минг нусхада таржима қилиниб, нашр этилган китоблари аллақачон икки халқнинг ҳам мулки бўлиб қолган. Муқимий, Ойбек, Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Миртемир, С. Бородин ва бошқа кўплаб ёзувчиларнинг асарлари Қирғизистонда зўр эътибор қозонган.

А. Тўқумбоев, Ленин мукофоти лауреати Ч. Айтматов, Т. Абдумўминов, Т. Маликов, А. Бердибоев ва бошқа ёзувчиларнинг китобларини Ўзбекистонда яхши билишади.

Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг Қирғизистондаги декадаси, қардош республикалар адиблари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда янги бир босқич бўлади. Эртага, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қирғизистон Давлат филармонияси концерт залида очиладиган декаданинг адабий қисми шоир ва ёзувчиларнинг қизғин мунозара ва мушоирасига айланади.

Диди юксак, синчков ва талабчан китобхонларимиз билан бўладиган учрашувларга мен ва ўртоқларим, шоир Уйғун, Миртемир, Зулфия, ёзувчи С. Бородин, адиб ва драматург Раҳмат Файзий ва бошқалар зўр ҳаяжон билан ҳозирлик кўрмоқдамиз. Биз Иссиққўл деҳқонлари, Тўхтағул ГЭСи қурувчилари, Сусамур водийси чорвадорлари ҳузурида бўламиз, Ўш, Жалолобод, Пржевальск шаҳарларининг меҳнаткашлари билан учрашамиз. Бу учрашувлар биз учун ўчмас хотира бўлиб қолади, меҳнатсевар қирғиз халқи ҳаётини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради, ижодий тафаккуримизни бойитади. Энг муҳими — меҳмондўст Қирғизистон тупроғида ўтказган кунларимиз халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва социалистик маданиятларимизни янада равнақ топтиришда хизмат қилади.

Али ТЎҚАМБОЕВ.

ФУРСАТ

Умр ўтиб кетар эсган елсимон
Ҳаёт она айтган алладан ширин.
Табиат, инсонга мунча хасиссан!
Ҳаттоки бермадинг, чинорнинг умрин.
Юзга ажин тушмай худди йигитдек
Кошкийди камида юз йил яшасак.
Аммо ўшанда ҳам хасислик қилиб,
Қарғардик бу кўҳна ўлимни бешак.
Онлар тутқич бермай ўтаверади,
Ҳаёт эркалайди гўё онадек.
Курашларда ғолиб чиқсак бўлгани
Тўлқинларни ёриб ўтган кемадек.

Қирғизчадан **ШУКРУЛЛО** таржимаси.

КАТТА САНЪАТ ДАРГОҲИ

Қирғизистон опера ва балет театри Иттифоқимиздаги ёш коллективлардан биридир. Лекин унинг ижодкорлари бутун мамлакатга, қолаверса, чет элларга ҳам донг таратганлар. СССР халқ артистлари К. Киизбоева, Б. Бейшеналиева, А. Мирзабоев ва бошқаларнинг ижоди катта ҳурмат билан тилга олинади.

Улуғ Октябрь революциясига қадар Қирғизистонда санъатнинг опера ва балетдек мураккаб тури ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам мумкин эмас эди. Халқ ўзининг оғзаки ижоди билан орзу-умидлари, кураш ва интилишларини тараннум этарди. Авлодлардан-авлодларга кўчиб келган «Манас» эпоси бунинг ёрқин далилидир.

Совет ҳокимияти йилларида Қирғизистон фан ва маданияти, адабиёт ва санъати юксак тараққий этган республикага айланди.

1926 йили Фрунзе шаҳрида тўнғич музикали драматик студия ташкил қилинди. Унинг биринчи артистлари халқ орасидан етишиб чиққан ҳаваскорлар эди. Орадан йиллар ўтиши билан қирғиз музика санъати қанотини кенг ёза бошлади. Тўнғич режиссёрлар, дирежёрлар, балетмейстерлар, хонанда ва созандалар етишиб чиқди.

Орадан тўрт йил ўтгач, студия базасида Қирғизистон Давлат драматик театри ташкил қилинди ва 1937 йили дастлабки музикали драма — «Олтин қиз» драмаси саҳналаштирилди. Бу асар қирғиз музика санъатининг қалдирғочи эди. Таниқли рус композиторлари В. Валсов, В. Фере бу асарга музика ёздилар. Кейинроқ эса улар тўнғич қирғиз композитори А. Молдебоев билан ҳамкорликда «Ажал ўрнида» драмасига куй басталадилар. Е. Турисбеков ёзган бу асарда 1916 йил қирғиз қўзғолони воқеалари ҳикоя қилинади.

1942 йилда музикали драматик театр базасида опера ва балет театри дунёга келди. Биринчи қирғиз операси «Ай — Чурек» фақат республикадагина эмас, бутун Иттифоқда катта шуҳрат қозонди. Партия ва ҳукуматимиз қирғиз санъаткорларининг ижодини юксак баҳолаб, театрни Ленин ордени билан мукофотлади. Шундан кейинги йилларда яратилган «Манас», «Мурод», «Оқ шунқор», «Жамила» каби опера ва балетлар томошабинлар ўртасида катта шуҳрат қозонди.

Орадан ўтган бир неча йил мобайнида Қирғизистон опера ва балет театри юздан ортиқ асарни томошабинга тақдим эди. Театр репертуари кенгайди. Мусоргскийнинг «Борис Годунов», Чайковскийнинг «Оққуш кўли», «Уйқудаги гўзал», Бизенинг «Кармен», Вердининг «Аида» каби асарлари ана шу репертуардан жой олди.

Сўнгги йилларда театр коллективи революция ва гражданлар уруши мавзусида, Улуғ Ватан уруши воқеалари ҳақида, ҳамда замонавий мавзудаги кўпгина асарларни томошабинга тақдим этди. Агар унинг репертуарига назар ташланса, ижодкорлар Совет ҳокимиятининг кураш тарихини ҳар томонлама қамраб олишга интилаётгандек туюлади.

1965 йилда саҳналаштирилган А. Холминовнинг «Оптимистик трагедия» операсида инқилобий воқеалар ҳикоя қилинса, таниқли чех ёзувчиси Ян Отченашекнинг қиссаси асосида К. Молчанов яратган «Ромео, Жульетта ва зулмат» операсида урушга қарши кураш ғоялари тараннум этилади. Чингиз Айтматовнинг «Сарвиқомат дилбарим» қиссаси асосида В. Валсов яратган «Асал» балетида эса бугунги кун ҳаёти ҳикоя қилинади.

Сўнгги йилларда театр коллективи кичик томошабинлар учун ҳам яхши совғалар тайёрлади. К. Молдобасановнинг «Қичан» операси босмачиларга қарши курашда ҳалок бўлган пионер бола ҳақида ҳикоя қилади.

Бугунги кунда Қирғизистон Давлат опера ва балет театрининг шон-шуҳрати узоқларга кетган. Театр санъаткорлари Москва ҳамда Тошкентда, Ленинград ҳамда Олма-отада, Польша, Чехословакия, Туркия, Бирлашган Араб Республикаси, Куба, Канада сингари мамлакатларда ўз санъатларини намойиш қилганлар. Театр коллективининг режалари улкан. Ёш, аммо истеъдодли коллектив қирғиз миллий санъатини янада юксалтириш иштиёқида.

Ў. ҲАЛИЛОВ.

БИРИ-БИРИГА УСТОЗ...

Талантли ўзбек халқ шоири, Ленин мукофоти лауреати академик Ғафур Ғулом қирғиз ва ўзбек халқлари дўстлигини тараннум этаркан, «Бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд» деган эди. Шоирнинг қирғиз пахтакорларига бағишланган қўшиғи эндиликда икки қардош халқнинг дўстлик гимни бўлиб янграмоқда.

Азалдан ёндош, ердош бўлган халқларимиз бир дарёдан сув ичган, бир яйловни яйлаган, қайчи қуда бўлган — қиз бериб, қиз олган: қирғизнинг тўйида ўзбек ёр-ёри янграса, ўзбекнинг тўйида қирғизлар ўлан айтган. Бу дўстлик қадимдан давом этиб келмоқда.

Қирғиз адабиётининг асосчиси Тўхтағул Сотилғанов юртидан қувғин қилинганда, Наманганда бошпана топган. Ўша шаҳарда қирғиз оқини билан Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ўртасида айтишув бўлган, Сибирь сургунидан қайтаётганда Тўхтағул Наманагандаги ёр-биродарлариникида қўноқ бўлди. Қадимдан бошланган дўстлик айниқса кейинги даврда мустаҳкамланди.

Ёз фаслида Олой тоғи водийларига борган, Чотқол даралариви кезган киши ажойиб манзаранинг шоҳиди бўлади. Қирғиз ўтовлари билан ёнма-ён ўрнатилган ўзбек ўтови бир-бирига қўшни ош берганидек, ўзбек чўпони най садоларига қирғиз қўбизи жўр бўлади. У ерларда Андижон, Фарғона, Наманган областлари колхоз ва совхозларининг қўй-қўзилари ўтлайди, қулунлари кишнайди.

Айниқса, водий районлари — Наманган ва Янгийўл, Жалолобод ва Хонобод, Пахтаобод ва Бозорқўрғон, Қорасув ва Қўрғонтепа, Ўш ва Хўжаобод, Аравон ва Булоқбоши, Чимён ва Халмиён, Ҳайдаркон ва Сўх сингари деҳқончилик ва саноат районлари ўртасидаги дўстликни ҳар қанча мақтаса, тараннум этса арзийди.

Тоширов номли илғор колхознинг пахтакорлари «Совой» совхози меҳнаткашлари билан дўстлик алоқалари ўрнатишган. Бу хўжаликларнинг бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари бир-бирларига концерт қўйиб беришади, экишда, ғўзага ишлов беришда ўзаро маслаҳатлашишади.

Учқўрғон қишлоғида қурилган ГЭС нуридан эндиликда Ўзбекистон ва Қирғизистон шаҳар қишлоқлари чароғон бўлмоқда. Қизилжар канали Ўш ва Наманган областларида минглаб гектар янги ерларни ўзлаштириш имкониятини берди.

Ҳозир Норинда яна бир улкан иншоот — Тўхтағул ГЭСи қурилмоқда. Бу ГЭС ишга тушгач, йилига 1.200 киловатт-соат арзон энергия беради, сунъий кўл эса минглаб гектар янги боғ-роғлар, пахтазорлар барпо этиш имконини беради. Бутуниттифоқ зарбдор иншооти қурилишида ўзбек ва қирғиз фарзандлари бошқа миллат фарзандлари билан биргаликда ишлашмоқда.

Ҳа, дўстлигимиз метиндек мустаҳкам, Помир чўққиларидек баланд, пахтадек беғубор, қирғиз ва ўзбек ўлкасидек дилрабодир. Бугун ўзбек адабиётчи ва санъатчилари Қирғизистон тупроғига қадам ранжида қилганда худди шуни ҳис қиламиз.

Ҳ. ҲАКИМОВ.



СУРАТДА: Фрунзе шаҳридаги Совет майдони.

Ф. Сарибоев фотоси.

ИНСОН ОДОБИ БИЛАН

ОИЛА ОТАХОНИ — КЎНГИЛ СУЛТОНИ

Эркак — умр йўлдошимиз, болаларимизнинг отаси, оила бошлиғи, уйимизнинг савлати ва кўрки.

Оила қадрига етадиган, болажон, аёлманд эркак — хотин кишининг бахти, оила қувончи, қобил фарзандлар отаси, фахримиз, ғуруримиздир. Бас, шундай экан, яхши эркакнинг қадрига етмоғимиз керак. Ҳурматини жойига қўйиб, имкониятимиз борича хизматида бўлсак нур устига аъло нур бўлади. Бу ҳар бир аёл учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Беш кунлик «ҳузур ҳаловат» деб бола-чақани хўрлайдиган, ҳалолликни ҳаром ишлардан ажрата билмайдиган суёқ оёқ эркакни оила бошлиғи деб бўлмайди. Бундай ёмон ота бошлиқ оилада ҳамиша уруш-жанжал, дил сиёҳликни кўрасиз. Оқибатда меҳр-муҳаббат кўтарилади, турмушдан барака кетади.

Оилавий ҳаёт масалаларини ўрганаётган социологлар: Ҳозирги аёллар озод, мустақил ва жасорат эгалари. Илгаригидек уй чўриси, эр қули, «мазлума», «ожиза»лар эмас. Эндиликда аёллар жамиятимиз ҳаётида актив фаолият кўрсатиб, ажойиб ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Бу, албатта, давлатимиз учун фойда. Оилада ҳам хотин кишининг қўли ниҳоятда зарур. Аёл уйнинг фариштаси, кўрки ҳисобланади. Ҳар бир аёл уйда бека ҳамда онадир. Буни у бир дақиқа ҳам унутмаслиги керак ва ҳамиша шунга муносиб бўлишга интилмоғи лозим. деб таъкидлайдилар.

Айрим ўқимишли аёллар иш билан ғоят банд эканликларини пеш қилиб, ўзларини оила ташвишларидан четда тутишга уринадилар. Бошқача айтганда, аёлларга хос назокат ва нафисликни йўқотиб қўядилар.

Орамизда оилани менсимайдиган, эрини эр ўрнида кўрмай, беҳурмат қиладиган беандиша хотинлар ҳам учраб туради. Бундай хотин ўз бахтига ўзи завол бўлади. Бир куни келиб қилмишига яраша жазо олади. Дарвоқе, донишманд Навоий айтгандек:

Вафо қилган — вафо
топғусидур,
Жафо қилган— жафо
топғусидур.

Эр-хотин тотувлиги, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч самимий муносабат, оиланинг яхши йўлга қўйилган ички ҳаёти аёл бахти, оила қувончининг муҳим томонидир.

Бир қанча аҳил ва бахтиёр оилалар турмушини кузатиш, ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, оилавий бахт эр-хотиннинг бир-бирига садоқатли, меҳр-муҳаббатли бўлишда, ишда, ўқишда, уй ишларида, болалар тарбиясида бир-бирларига ҳамроҳ ва ҳамдам бўлишларидан юзага келади.

Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар ва хафагарчиликларнинг сабаби ўрганилса, уларнинг кўпчилиги арзимаган гаплардан бошланишини кўрасиз.

Кўпинча, эркакнинг гапига хотин терс жавоб беради, хотиннинг сўзи эрга оғир ботади. Шу билан жанжал чиқади. Қаттиқ-қурум гаплар айтилади. Орада дили сиёҳлик, кўнгил совиш бўлади ва меҳр-муҳаббатнинг кўтарилишига сабаб бўлади.

Шундай ҳолларда икки кишидан бири бир оғиз гапдан қолса, оғирлик қилса, ширин гапирса, «кечиринг» сўзини тилга олишдан орланмаса, олам гулистон. Бир оз фурсат ўтиб, қизишган томон ҳовуридан тушади. Виждонан ўйлаб, сизни ноўрин хафа қилганлигидан хижолат тортади, узр сўрайди. Шундай қилинганда, кўнгилингизда заррача ғубор қолмайди. Яна чеҳрангизда табассум жилваланади.

Шуни алоҳида уқтириб ўтиш керакки, эр-хотин ўртасидаги тотувлик кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Аёл яхши ният билан бир ёстиққа бош қўйган азиз умр йўлдошининг кўнглини топишга тиришиши, ундан ширин сўзини, хизматини аямаслиги, доим эътиборли бўлиши керак.

Инсон ҳамиша бир хил кайфиятда бўлмаслиги маълум. Баъзи пайтларда қадрдон, севимли кишингга ён беришга тўғри келади. Уйда нималар бўлмайди дейсиз. Ана шундай айрим воқеаларга аёлнинг ҳамиша шошма-шошарлик билан ёндошиши, ҳадиксирагани, дурустроқ суриштириб кўрмай, эрнинг кўнглини оғритиши, ташвишига шерик, қайғусига ҳамдард бўлмаслиги эр-хотин муносабатига путур етказади. Натижада, бир-биридан кўнгил совиш ётсираш келиб чиқади. Шунинг учун ҳам, аёлнинг бундай пайтларда оғир-вазмин бўлгани кўп жиҳатдан яхши ва ўринлидир.

Айрим аёлларнинг тушунчасида, эрга ҳурматда бўлиб, унга мулозамат қилиш ўқимишли, маданиятли хотин учун келишмаган одат эмиш. Гўё бу билан унинг қадр-қиммати тушгандек бўлармиш. Албатта, биз бундай фикрга қўшилмаймиз. Одатда, эркак оқила рафиқасининг ҳурматига ҳурмат билан жавоб беришга интиладилар.

Ҳаётий мисолларга назар ташлайлик: Фазилат опа умр йўлдоши Одил ака билан тотув ҳаёт кечиради. Юқорида айтганимиздек, турмушда нималар бўлмайди дейсиз. У ҳар қанча қийналса ҳам, нолиш нима билмайди. Бундай пайтларда, яна ҳам ишга кўпроқ берилиб кетади. Эрта-кеч тиниб-тинчимайди. «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деб бекорга айтмаганлар. Фазилат опа Одил ака хонадонига файз киритди. Ниҳоят, режали аёл бўлганидан уйни уй, жойни жой қилди. Эрнинг топганини тежаб, жой-жойига сарфлади. Исрофгарчиликка йўл қўймади. Айрим хотинларга ўхшаб зебу-зийнатга берилмади. Уйга кераксиз, савлат тортиб турадиган буюмларни йиғмади, бор кучини оиласининг бахтига, болаларининг яйраб яшнаб ўсишларига сарфлади. Қайин бўйинларини ўз туққанларидек кўриб ҳурматлади. Қайнона-келин она боладек яшади.

Одил ака ўз рафиқасидан хурсанд. Бир вақтлар онаси уйланиш ҳақида сўз очганда, у шундай оқила қизни орзу қилмаганмиди. Хотини унинг худди кўнглидаги аёл бўлиб чиқди. Эр-ҳурматини ҳамиша жойига қўйди.

Киши гоҳ хуш, гоҳ нохуш аҳволда бўлади. Фазилат опа зийрак аёл. Кўрадики, эри ишдан чарчаб қайтган ёки нимадандир кўнгли ғашдек. Дарҳол меҳрибончилик кўрсатади, жуда ширин, таъсирли, ёқимли бир сўз излайди. Уй-дунёчиликда баъзан эр-хотин ўртасида аччиқ-чучук гаплар ҳам бўлиб туради албатта. Шундай кезларда, Фазилат опа ўзи ҳақ эканлигига ишонса-да оғирлик қилишга уринади, эрининг бетига чопмайди.

Одил ака Фазилат опанинг бу хислатларини қадрлайди. Кўнглини топишга, оғирини енгил қилишга қўлидан келганча тиришади. Қарс икки қўлдан деб ана шуни айтсалар керак-да!

Баъзи аёллар оилавий ҳаёт масалаларига енгил-елпи қарайдилар. Бир куни келиб бахтларини бой бериб қўйганларидагина ширин турмушларининг қадрига етиб, уни асрай олмаганларидан жуда афсусланадилар.

Оилавий ҳаётим тотув ўтсин деган ҳар бир хотин (оддий уй бекасими ёки ўқимишли катта мансаб эгасими, барибир), аввало эр ҳурматини жойига қўйиши бурч эканлигини ҳамиша унутмаслиги керак. Унинг топганини қадрлаб, жой-жойига сарфлаши, имкони борича ўзи ҳам унга кўмакдош бўлишга интилиши лозим. Лекин, баъзан ҳаётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, эр эртаю-кеч тер тўкиб меҳнат қилади-ю, хотин унинг меҳнатини қадрламай, совуққина кутиб олади. Бу ҳолларда оилада тотувлик, бир-бирини ҳурмат қилиш йўқолиб боради.

Эр ҳам, хотин ҳам муомалада ўз турмуш ўртоғининг айни вақтдаги руҳий ҳолатини ҳисобга олиши лозим. Ишдан чарчаб ёки бирор нарсадан диққат бўлиб қайтган кишига дағал ёки ўринсиз гап ёмон таъсир қилади. Бир-бирини чинакам севувчи, ҳурмат қилувчи киши бундай пайтларда зийрак бўлиб, кўнгил овлашга ҳаракат қилади.

Ижтимоий ҳаётда муносиб ўрнини топган аёл ўзини бахтли ҳис этади. Ҳаёт унинг учун янада гўзал, янада маъноли бўлади.

Гап шундаки, меҳнат қилаётган аёл ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан оила бахтини таъминлашда баравар иштирок этаётгани билан фахрланади. Бинобарин, унинг ҳар жиҳатдан эр билан тенглиги таъминланган бўлади. Ана шу тенглик оиладаги ўзаро ҳурмат-эҳтиромнинг, оила бахтининг асоси бўлиб хизмат қилгандагина, майда-чуйда гапларга ўрин қолмайди. Аҳил оилада яшаган кишининг ҳаёти сермазмун, ижтимоий фаолиятдаги меҳнати серунум бўлади.

Қуйида сиз ўз меҳнати туфайли бахтини топган, оилавий ҳаётига файз киритган аёллардан бири — Маҳсума Сайдазимованинг оилавий бахти ҳақидаги фикр - мулоҳазаларини ўқийсиз:

«Дарҳақиқат, ҳар бир аёл ўз бахтини ўзи курашиб қўлга киритар экан, тиришсанг, қийинчиликларни енга олсанг, турмушинг яхши ўтар экан. Киши ҳалол меҳнатда бахт топаркан. Катта орзу-умидлар билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугатиб, муаллима бўлдим. Турмушга чиқдим. Ҳозир тўрт фарзандга онаман. Аммо ҳар қанча қийинчилик бўлганда ҳам ишни ташлаб, уйда ўтиришни ўзимга эп кўрмайман. Хотин киши тадбиркор бўлса, бироз қийинчиликни ўзига олса, кейинроқ ўзига фойда бўларкан. Турмуш ўртоғим олтин, баравар жон куйдирадилар. Қайнонам ҳам қараб ўтирмайдилар, уй юмушларига, невараларига қарашадилар. Мен ҳам улардан ширин сўзимни, хизматимни аямайман. Бўш вақтимда уйга қарайман, ҳаммаёқни саранжом-саришта қиламан. Ишдан келиб, овқатга уннайман. Хуллас, уй ишларига бемалол улгураман.

Киши ҳаракат қилса, ҳар бир нарсанинг уддасидан чиқади. Мен ўзимни бахтли аёллардан бири деб ҳисоблайман. Чунки қадрдон оилам, севимли ишим бор. Уйда ўтирадиган баъзи аёллар ҳатто уй юмушларини ҳам кўнгилдагидек бажаришмайди. Майда-чуйда гапларга берилиб, кунларини кеч қиладилар».

Ҳақ гап. Ишлаётган аёллар уй юмушини ҳам ўз вақтида қилиб улгурадилар. Дам олишга ҳам вақт ажрата оладилар.

Ҳаётий фактлар эр-хотиннинг бир-бирига бўлган самимий муҳаббати, вафодорлиги, ишончи ва ҳурмати, оғир-вазмин бўлиши, ақл билан иш тутиши, иззат-ҳурмат йўли билан муомала қилишга интилиши оила бахтининг муҳим томони эканини кўрсатади.

Биз ўз умр йўлдошимизни, оила бахтини қанчалик қадрласак, асрасак, ҳаётимиз шунча ширин, шунча сермазмун бўлади.

- Ойшахон ТЎРАЕВА,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

«Қийшиқ ойналар қироллиги» китоби ва шу номли фильм сценарийсининг муаллифи, эртакчи-ёзувчи Виталий Губарев «Ҳазрати олийлари атрофидаги шарпалар» номли янги эртак-повесть ёзди. Кинорежиссёр Евгений Шерстобитов билан ҳамкорликда шу китоб асосида ёзилган сценарий А. Довженко номли Киев бадиий фильмлар студиясида суратга олинмоқда.

СУРАТДА: фильмдан кадр. Қирол канцеляриясининг бошлиғи герцог де Моллюск РСФСР халқ артисти Сергей Мартинсон, герцогиня де Пфун — артистка Ирина Мурзаева.

Ю. Мосенжник фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Текинхўрлик, безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқ!

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилик учун қамалганлар

✦ **Нурмуҳамедов М.** 1926 йилда туғилган. Тошкент чарм хомашёси заводининг транспортчиси. Маст ҳолида уйида жанжал кўтариб, қўшниларининг осойишталигини бузганлиги учун 15 суткага жазоланди.

✦ **Антипов Г. Н.** 1935 йилда туғилган. Чкалов номли авиация заводининг слесари. Маст ҳолида уйида тўполон қилганлиги учун 15 суткага ҳукм қилинди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

✦ **Чеканушкин И. Ф.** 1929 йилда туғилган. «Таштекстильмаш» заводи темирчилик-прес-слаш цехининг слесари. Ҳушёрхонага қаттиқ маст ҳолида олиб келинди.

✦ **Баратов М.** 1929 йилда туғилган. Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчиси. Маст ҳолида ҳушёрхонага олиб келинди.

• СУД ЗАЛИДАН

„ДЎСТИНГ"ДАН ТОП!

Вячеслав Леонтьевич Шаламовни Йўлдош шаҳардагиларнинг кўпчилиги танийди. У кўпчиликка эгри қўллиги, текинхўрлиги билан танилган. Ёш бўлишига қарамасдан, илгари давлат мулкини ўғирлагани учун судланган. Қамоқдан чиқиб келиб ҳам, тегишли хулоса чиқариб олмади.

Дам олиш куни Шаламов эрталабдан «отиб» олиб, гандираклаб қаёққа боришини билмай юрган эди. Кўчада таниши В. Н. Никоноровни кўриб қолди. Икки дўст Йўлдош шаҳарчанинг бозори ёнидаги кафега боришиб, яна «қиттак-қиттак» қилишди. Сўнгра Никоноровнинг уйига келишди. Яна ичкилик давом этди. Кўчага чиқиш олдидан Шаламов телевизор устида турган 200 сўм пулни кўзининг остига олиб қўйган эди. Йўлда кетаётиб, у Никоноровга «Мен Чинозга бормоқчи эдим, кийимларим жойида эмас, костюмингни бериб турсанг», деди.

Боши гангиган Никоноров «ма, очиб олиб, кийиниб чиқақол», деб дўстига квартирасининг калитини берди. Шаламов 200 сўмни чўнтагига солган ҳолда костюмини кийиб, яна дўстининг олдига қайтиб келди. ва калитни топшириб, жуфтакни ростлаб қолди...

Ўғри Шаламов тергов ва судда ўзининг айбларига тўла иқрор бўлди. Суд уни тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. 12-автопарк залига тўпланганлар Сергели район халқ судининг бу ҳукмини якдиллик билан маъқулладилар.

Н. БОТИРОВ,
Сергели район халқ судининг котиби.

„Тошкент оқшоми"да босилгандан кейин

ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

Газетамизнинг 16 апрель сонида майда безорилиги учун қамалганлар каторида 1-авторемонт заводининг ишчиси В. Стукалов ҳам бор эди.

Заводдан жавоб олинди: майда безорининг хулқи коллектив ўртасида муҳокама қилинди. В. Стукалов айбига чин кўнгилдан иқрор бўлиб, тавба қилди. Мажлис аҳли уни қаттиқ огоҳлантирди.

АРОҚХЎР ВА БЕЗОРИ МУҲОКАМАДА
ВИГОВОР БЕРИЛДИ

Газетамизнинг 2 апрель сонида майда безорилиги учун қамалганлар рўйхатида Чкалов номли завод ишчиси И. Михайловнинг ҳам номи бор эди.

Заводдан хабар қилинишича, Михайловнинг ножўя хулқи умумий йиғилишда кўриб чиқилди. Унга виговор эълон қилинди. Яна шундай хулқини давом эттирган тақдирда унинг Тошкентда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилиши таъкидланди.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 2|VIда **Корсар**, 3|VIда **Риголетто**, 4|VI да **Оққуш кўли.**

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —2|VI да **Улимдан кучли**, 3|VIда **Парвона**, 4|VIда **Бой ила хизматчи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИДА — 3|VI да **Икки билагузук**, 4|VI да **Бахт тўйи**.

Кино

2 ИЮНДА

Лочин изидан —«ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 3, 5 ва кеч 8 да).

Ҳалоскорлик (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Чингачгук — катта илон, Лочин изидан —«СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Таня ва икки мушкетёр — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Дилбарим —НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Кичик ҳикоя учун сюжет — «МОСКВА» (кеч соат 8 яримда ва 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Лочин изидан —ФЕСТИВАЛЬ.

Совет иттифоқи элчиси — «ХИВА».

Усмирлар —ТЕЛЬМАН номли.

3 ИЮНДА

Лочин изидан — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 3, 5 ва кеч 8 да).

Ҳалоскорлик (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Чингачгук — катта илон, Лочин изидан — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Дилбарим — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Кичик ҳикоя учун сюжет — «МОСКВА» (кеч соат 8 яримда ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Совет иттифоқи элчиси — «ХИВА».

Лочин изидан —«ФЕСТИВАЛЬ».

Усмирлар — ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «УЗТЕКСТИЛЬТОРГ» САВДО БАЗАСИГА

катта бухгалтер ўринбосари, машинистка, юкчилар (меҳнат ҳақи ишбай).

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Физкультурная кўчаси, 18 уй (7, 9, 11 трамвайлар, 2, 6, 18, 54, 58 автобуслар, 2, 6, 13 троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

11 июнь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг геология-минералогия фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Бош корпус, Б—224 аудитория) да геология-минералогия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. Г. Юсупов: «Олтин, марганец, ва фтор элементларнинг Ғава ва Оҳангарон районларнинг емирилиш қатламларида ҳосил бўлиши шароити» деган темада;

И. Р. Икромов: «Медиган свита бўйича Жанубий Фарғона пермотриаса қатламларнинг ҳосил бўлиши шароити» деган темада

11 июнь кундуз соат 2 яримда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети тарих факультетининг илмий даражалар берувчи илмий совети кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Бош корпус, Г-304 аудитория) да тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

И. М. Мамедов: «Партиянинг республикани индустриялаштириш учун олиб борган курашида Ўзбекистон комсомоли (1926 —1929 йиллар)» деган темада;

Р. Сангиров: «Социализм пойдеворини яратиш даврида Ўзбекистон Компартиясининг республика қишлоқ Советларини мустаҳкамлаш учун олиб борган кураши (1925 — 1932 йиллар)» деган темада

11 июнь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг биология фанлари бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (К. Маркс кўчаси, 35 уй, 133 аудитория)да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. А. Абдуллаев: «Ғўзанинг гуллаш ва мева ҳосил қилиш даврларида фосфорли ўғитларнинг таъсири» деган темада;

А. Б. Ёқубов: «Тут ипак қуртининг баъзи бир хромосомалар локусларида радиомутациянинг келиб чиқиш табиати ва частотаси» деган темада

11 июнь кундуз соат 3 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг география фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Бош корпус В-312 аудитория)да география фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. А. Ягудин: «Новосибирск областида момақалдироқ ва довул ҳодисалари» деган темада;

Е. С. Сниба: «Чуй водийсида туманлар ҳосил бўлишини иқлимий синоптик текшириш» деган темада;

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университет кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси, 4 уй) да танишиш мумкин.

12 июнь кундуз соат 3 да Тошкент халқ хўжалик институти илмий совети (Олмазор кўчаси, 183 уй) да иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Т. Қутбиддинов: «Чакана ва улгуржи савдодаги муомила ҳаражатлари ва уларни пасайишидаги асосий резервлари (Тожикистон ССР матлубот кооперацияси ва савдо министрлиги материалларида)» деган темада;

В. П. Калинкина: «Махсус саноат фондларининг иқтисодий эффективлиги масалалари ва уни қишлоқ хўжалигида билиш методлари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

9-ПОЛИГРАФЧИЛАР ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1970-71 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР
Қабул қилади

Билим юрти линотипист, ҳарф терувчи, печатник ва муқовачилар тайёрлайди.

Уқувчилар ўрта мактабни ва билим юртини тамомлаганликлари ҳақида аттестатлар оладилар.

Уқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўча, 21 уй. Телефонлар: 77-10-56, 77-13-33 (7, 9, 13 троллейбус ва 3, 6, 14, 23, 24, 27, 54-автобусларнинг «Волгоград» бекати).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1970 йилнинг II ярмига газеталарга обуна давом этмоқда:

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ,
ПРАВДА ВОСТОКА,
ҲАҚИҚАТИ ЎЗБЕКИСТОН,
ЛЕНИН БАЙРОҒИ,
ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ,
ЁШ ЛЕНИНЧИ,
КОМСОМОЛЕЦ ЎЗБЕКИСТАНА,
ЛЕНИН УЧҚУНИ,
ПИОНЕР ВОСТОКА,
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ,
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА,
ТОШКЕНТ ОҚШОМИ,
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ,
ЎҚИТУВЧИЛАР ГАЗЕТАСИ.

Уз вақтида обуна бўлишни унутманг!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти.

Телевизор

2 ИЮНЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.25 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.30 Телевизион янгиликлар. **18.45** Иқтисод ва тежамкорлик учун. **19.05** «Ака-ука Сароянлар». Бадиий фильм. **20.45** «Ишончли қулф». Реклама.

Узбек тилида: 20.55 Телевизион янгиликлар. **21.05** «Июнь — ҳал қилувчи ой». Пахтакорлар учун кўрсатув. **21.25** Декада кундалиги. **21.35** Бир актёр театри. Т. Каипбергенов. «Уйқусиз тунлар». **22.15** «Музика истиқболининг эгалари». 4-кўрсатув.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 Ўқув кўрсатувлари программаси. Абитуриентлар учун. Математика (рус тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** «Виз — интернационалистлар м и з». **20.45** Телевизион ҳужжатли фильм. **21.00** Янгиликлар. **21.05** «Ленинград балети». Телевизион музикали фильмнинг 2-серияси. **21.35** Миллионлар ленинча университети. **22.00** П. И. Чайковский номидаги 4-халқаро конкурсининг очилиши. Концерт СССР Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Вақт» информацион программаси. **01.00** «Экран усталари». Донатас Баниоинс. **02.30** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 Беш йиллик илғорлари. **20.15** Камер куйлардан концерт.

Рус тилида: 20.55 Ҳужжатли фильм. **21.15** «Евгения Гранде». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
1 ИЮНЬ, 1970 й.

«Вечерний Ташкент»
орган Ташкентского
горкома КП Узбекистана
и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02 49 дан 33 02-58 гача редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари— 33-27-03, ахборот бўлими —33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР 3015
Р—2565.